→ 2005 YIL 22 NOYABR, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 143 (6.980). Sotuvda erkin narxda

## Куннинг муҳим воқеалари

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Р.Э.Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири этиб тасдиқланди.**

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Қ.Ғ.Ғуломов Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири вазифасидан озод қилинди.

● **Буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино таваллудининг 1025 йиллиги муносабати билан Бухорода «Буюк мерос ва миллат саломатлиги» мавзуида V Ибн Сино халқаро ўқишлари - халқаро илмий-амалий конференция иш бошлади.**

● Пойтахтимиздаги Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳинд маданияти марказида Тошкент халқаро радиоси томонидан ҳинд тилидаги эшиттиришларнинг эфирга узатила бошлаганига 43 йил тўлиши муносабати билан тадбир ўтказилди.

● **Қўнғирот туманидаги «Темирйўлчилар» спорт мажмуида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан «Биз гиёҳвандлик ва ОИТСга қаршимиз!» шиори остида тадбир ўтказилди.**

● Данғара туманида нефть, газ ва кимё саноати учун зарур бўлган махсус ўрама қопламалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Rubber Industries - Plus» кичик корхонаси иш бошлади.

● **Қуролли Кучлар ташкил этилганлигининг 14 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» Марказий Кенгаши «Ватан, ягонасан дилимда доим!» мавзуидаги республика танловини эълон қилади.**

● Бухородаги «Бухоро-палас» меҳмонхонасида Абу Али ибн Сино таваллудининг 1025 йиллиги муносабати билан нейрохирургларнинг халқаро илмий анжумани ташкил этилди.

● **Сирдарё вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

● Намангандаги Тўқимачилар маданият саройида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ва Рус маданият маркази иштирокида «Яхшилик дунёни қутқаради» номли хайрия концерт-марафони ўтказилди.

# Ўзбекистон - Ватаним маним!



Шу кунларда юрт ҳимоячилари - ҳарбий хизмат бурчини ўтаб қайтаётган аскарларни кутиб олиш байрамона руҳда ўтмоқда. Куни кеча ана шундай қувончли воқеа Тошкент темир йўл вокзалида ҳам бўлиб ўтди.

– Ой бориб, омон қайтган фарзандимни бағримга босишдан беҳад бахтиёрлигимни сўз билан ифода қилолмайман, – дейди ҳаяжон билан Мавжуда опа Ражабова. – Аскарлик хизматини аъло бажарган, элини, юртини ҳимоя қилишга қодир фарзанд тарбиялаганимдан ниҳоятда мамнунман.

**СУРАТДА:** Мавжуда Ражабова ўғли Комилжон билан.

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

# Тошкент жаҳон полвонларини кутмоқда

***Истиқлол йилларида спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли бугун юртимиз ҳақли равишда дунёнинг йирик спорт марказларидан бирига айланди. Мамлакатимиз қатор спорт турлари бўйича жаҳон, Осиё чемпионатлари, жаҳон кубоги мусобақалари ҳамда кўплаб бошқа нуфузли халқаро турнирларга мезбонлик қилиб келмоқда.***

**ФАХР**

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, мамлакатни дунёга танитишда спортнинг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда ушбу пурмаъно сўзларнинг исботини амалда кўряпмиз. Хусусан, истиқлол йилларида боксчилардан Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ўткир Ҳайдаров, Артур Григорян, юнон-рум курашчиси Дилшод Орипов, Александр Доктурашвили, эркин кураш усталари Артур Таймазов, Дилшод Мансуров, дзюдочи Абдулла Тангриев, спорт гимнастикаси устаси Оксана Чусовитина жаҳон ва қитъа чемпионатлари ҳамда Олимпиада ўйинларида ғолибликни қўлга киритиб, юртимиз довруғини дунёга ёйди.

Жорий йилнинг 26-27 ноябрь кунлари Тошкентда яна бир йирик спорт тадбири - кураш бўйича бешинчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари сингари курашни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унинг самараси ўлароқ, ўзбек кураши халқаро миқёсда жадал ривожланмоқда. 1998 йил 6 сентябрда ташкил этилган Кураш халқаро ассоциациясига (КХА) бугун 77 мамлакатнинг кураш федерацияси аъзо.

КХА тузилганига эндигина етти йил тўлган бўлса-да, ўтган давр мобайнида у халқаро майдонда ўз мавқеини мисли кўрилмаган даражада юксалтира олди. Ўзбек курашининг янги спорт тури сифатида шиддат билан оммалашуви, умуминсоний қадриятга айланиши жаҳон спорт оламидаги улкан воқеадир.

Кураш қоидасига кўра, полвонлар ҳаракати «Таъзим», «Кураш», «Ҳалол», «Ёнбош», «Чала», «Ғирром» каби атамалар билан аталади. Қувончли жиҳати, айни пайтда жаҳон халқлари ўз луғатларини мазкур ўзбекона сўзлар билан бойитдилар.

Америка, Африка, Европа, Осиё ва Океания қитъасида



ўзбек кураши бўйича минтақавий конфедерациялар ташкил этилган. Мазкур қитъа мамлакатларида кураш бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларни мунтазам ўтказиш анъанага айланди.

Яқинда КХА штаб квартирасига Лондон шаҳридан яна бир хушхабар келди. Буюк Британия Кураш ассоциацияси ташаббуси билан Англияда курашга бағишланган махсус сайт очилди. Унда кураш тарихи, нуфузли турнирлар ҳақида ранг-баранг маълумотлар ва фотосуратлар ҳам берилган. Миллий курашимизни тарғиб этувчи бундай сайтлар Япония, Бразилия, Канада, Эрон, Жанубий Африка Республикасида ҳам очилгани кишига ғурур бағишлайди.

Катталар ўртасида ўзбек кураши бўйича дастлабки жаҳон чемпионати 1999 йили мамлакатимизда ташкил этилган эди. Сўнг бундай чемпионатлар 2000 йили Туркияда, 2001 йили Венгрияда, 2002 йили эса Арманистонда ўтказилди.

Айни пайтда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Кураш халқаро ассоциацияси ташаббуси билан ўтказиладиган бешинчи жаҳон чемпионатини юқори савияда ташкил этишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, навбатдаги мусобақада иштирок этиш учун юртимизга етмишга яқин мамлакатдан 400 нафар полвон келиши кутилмоқда.

Мусобақада таниқли ўзбек полвони, қитъа чемпиони Абдулла Тангриев, 1998 йил мамлакатимизда Президент соврини учун ўтказилган илк халқаро турнир ва 2000 йил Туркияда ўтган жаҳон чемпионати ғолиби туркиялик Селим Тотар ўғли, Осиё чемпионати ва халқаро турнирлар совриндори эронлик Саид Хесрави Нежат каби номдор полвонлар гиламга чиқади. Беллашувларда спортчилар эркаклар ўртасида саккиз, хотин-қизлар ўртасида эса тўққиз вазн тоифасида куч синашади.

Чемпионат доирасида Кураш халқаро ассоциацияси ва Ижроия қўмитасининг йиғилиши ҳамда V: Конгресси ўтказилади.

**Қаҳрамон ҚАРШИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Ўзбекистонда АҚШ Ҳарбий базасининг тантанали ёпилиш маросими бўлди

***Душанба куни Ўзбекистонда АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари ҳарбий контингентининг «Хонобод» авиабазасида бўлишининг тугаши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Бу ҳақда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати маълум қилди.***

**Маросимда Ўзбекистон томонидан генерал-майор Алишер Собиров, Америка томонидан полковник Мак Ковер иштирок этди. Ёпилиш маросими АҚШ давлат байроғининг туширилиши билан бошланди.**

**«Полковник Мак Ковер генерал-майор А.Собировга АҚШнинг миннатдорлик сўзлари битилган ёрлиғи ҳамда учбурчак шаклида тахланиб, махсус рамкага жойланган давлат байроғини топширди. Бундан ташқари, ўзбекистонлик айрим ҳарбий хизматчиларга ёрлиқлар топширилди», дейилади Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати хабарида.**

**АҚШ Ҳарбий ҳаво кучларининг сўнгги самолёти «Хонобод» авиабазасини кеча Тошкент вақти билан соат 15.40 да тарк этди.**

**(ЎзА)**

# Суд мустақиллигини таъминлаш йўлида

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасида "Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир" дейилган. Шу жиҳатдан қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда суднинг, хусусан, мустақил суд тизимининг ўрни каттадир.***

**8 ДЕКАБР – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач суд-ҳуқуқ соҳасида, хусусан, судлар мустақиллигини таъминлаш борасида ҳам жуда муҳим ислоҳотлар олиб борилди.

1996 йил 29 августда бўлиб ўтган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 6-сессиясида суд ислоҳотларини чуқурлаштириш, бутун одил суд тизимини демократлаштириш - ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналиши эканлиги, суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи идорага айланиб, амалда мустақил бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, суд юрисдикцияси қамровини кенгайтириш, қонунчилик ва ижтимоий адолатни таъминлашда суднинг ролини ошириш мақсадида Олий Мажлис Кенгаши Ўзбекистонда суд ислоҳотини янада ривожлантириш Дастурини тасдиқлади.

Ўтган давр мобайнида бевосита судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш борасида ҳам бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди.

2000 йил 14 декабрда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинганлиги суд тизимини ислоҳ қилишда, судьяларнинг мустақиллигини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Мазкур қонун асосида судлар ижро ҳокимиятининг органи – адлия органлари тизимидан чиқарилди, судьялик лавозимига номзодларни танлаш тамойили тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тавсия қилиш бўйича Олий Малака комиссияси судлар фаолиятини ташкилий таъминлайдиган орган сифатида жорий этилди. Мазкур қонуннинг ижроси тартибида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Олий Малака комиссияси тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрири тасдиқланди.

Шунингдек, судлар фаолиятининг молиялаштирилиши қонун чиқарувчи ҳокимият тасдиқлайдиган давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан марказлаштирилган тарзда амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Судьяларнинг ташқи аралашувисиз, қонун талабларига қатъий риоя этган ҳолда фаолият кўрсатиши учун амалда шароит яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 2000 йил 14 августдаги Фармонига биноан одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилаш мақсадида мавжуд умумий юрисдикция судлари негизида фуқаролик ишлари бўйича судлар ташкил этилди.

Айни пайтда 2001 йил 1 январдан ўз фаолиятини бошлаган фуқаролик ишлари бўйича судлар фуқаролар ўртасида ҳамда фуқаро ва юридик шахслар ўртасида юзага келаётган турли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**(Давоми 2-бетда)**


# «Qishloq hayoti» газетасига



## 2006 йил учун обуна бўлдингизми?

**Газетанинг нашр кўрсаткичи — 144**


**АЙТГИЛ, ДЎСТИМ, НИМА ҚИЛДИК ВАТАН УЧУН?**

# Дунёни кўриш бахти

***Кўзлар... бизга ёруғ дунёни кўриш бахтини ато этувчи бебаҳо инъом, бир жуфт мўъжиза. Шундай касб эгалари борки, неча минглаб беморларга ана шу мўъжизани қайта бахш этишади. Вужудимиздаги энг нозик аъзода ўта мураккаб операцияларни маҳорат билан амалга оширадилар.***

Улар орасида илмий изланиб, бу борадаги ютуқларга қанча кашфиётлар қўшаётган шифокор олимларимиз бор. Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли шифокор Раҳмон Муҳаммадиев кўз касалликларини даволаш бўйича олиб борилаётган ишлар, дунё мутахассислари диққатини жалб қилган ўз илмий кашфиётлари ҳақида бизга қуйидагиларни сўзлаб бераркан, суҳбатимиз Ватан ҳақидаги анъанавий саволдан бошланди.

– Аввало, "Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?" деган саволга дабдурустдан "ундай қилдим, бундай қилдим, тоғдан тош индирдим, бўлмаганни бўлдирдим", дейиш қийин. Мустақиллигимизга ўн тўрт йилдан ошди. Истиқлол одамларнинг оғирини енгил қилишимиз учун жуда-жуда катта имкониятлар берди.

Сурхондарёликлар яхши билади, мустақилликкача вилоятда кўз касалликлари бўйича тузукроқ шифохонамиз йўқ эди. Бундан 150 йил олдин чор Россияси солдатлари ва уларнинг отлари учун бинолар қурган, катта ошхонаси ҳам бўлган. Қанча йиллар ўтиб, бу жой вилоят кўз касалликлари шифохонасига айлантирилганди. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришиши билан янги, замонавий, жаҳон талабларига жавоб берадиган шифохона қуришга киришдик.

**(Давоми 2-бетда)**

# Иқтисодиётни юксалтирувчи куч

**ФЕРМЕР МИНБАРИ**

***Мамлакатимизда халқ хўжалиги соҳасида ислоҳотлар жадал давом этаяпти. Хусусан, аграр секторда туб ўзгаришлар юз бераяпти. Фермерчилик ҳаракати қизғин паллага кирмоқда. Фермер хўжаликлари иқтисодиётимизни юксалтирувчи энг муҳим омил сифатида эътироф этилаяпти.***

Вазирлар Маҳкамасининг "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, вилоятимизда шу йилнинг ўзида 56 та ширкат хўжалиги негизида фермер хўжаликлари ташкил этилаётгани ҳам қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Айтиш жоизки, Олий Мажлис Сенати томонидан қишлоқ хўжалигига оид давр талабига мос қонунлар яратиляпти. "Лизинг тўғрисида"ги қонунни такомиллаштириш, замонавий техника сотиб олиш масаласида бериладиган кафолатларни соддалаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, ҳаёт қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш учун халқаро алоқалар қамровини кенгайтириш заруратини ҳам кун тартибига қўймоқда. Бунинг учун норматив ҳуқуқий асосларни давр талабига мослаштириш зарурати туғилаяпти. Негаки, бугунги кун фермерининг дунёқараши аввалгидан кескин фарқ қилади. Фермерчилик ҳаракатининг дастлабки йилларида қишлоқ мулкдори кўпроқ уй-жой қуриш, енгил автомашина харид қилиш каби шахсий манфаатлари ташвишида юргани сир эмас. Бугунги кун фермери эса даромадини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш пайида бўлаяпти.

**(Давоми 2-бетда)**

**ТАЪЛИМ**

## Янги замон ёшлари

***Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон ёшларида дунёга чиқиш, ўз билим ва истеъдодлари билан буюк аждодларимизга муносиб эканликларини жаҳонга намоён қилиш иштиёқи жўш урган.***

## Жиззах политехника институти:

# Улуғ мақсадларни кўзлаб

Зеро, ҳаёт ўзгаришлари, замон тобора ҳар бир кишининг билимли, янада салоҳиятли бўлишини тақозо қилмоқда.

Истиқлол йилларида ҳар томонлама замон талабларига жавоб берувчи, дунёдаги ўқув масканларидан қолишмайдиган кўплаб олий ўқув юртлари ташкил қилинди. Ана шундай таълим масканларидан бири Жиззах политехника институтидир. Айни чоғда бу ерда икки юзга яқин профессор-ўқитувчилар етук мутахассис кадрлар тайёрлаш учун ўзларининг бор билим ва тажрибаларини ишга солмоқда.

Институтнинг "Автомеханика", "Иқтисодиёт муҳандислиги", "Саноат технологияси ва қурилиш" факультетлари ва сиртқи бўлимида ўн учта таълим йўналишида 17 та мутахассислик бўйича 2827 нафар талаба сабоқ оляпти.

**(Давоми 4-бетда)**

**ХАЛҚ БАНКИ сизнинг оилангиз банки**

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | БЕНЗИН (76) 511,0 ▲ + 3,8 | БЕНЗИН (80) 534,5 ▲ + 0,9 | БЕНЗИН (91) 600,6 ▲ + 43,9 | ДИЗ.ТОПЛИВО 286,5 ▲ + 0,09 | МАЗУТ 110,5 ▼ - 6,1 | СЖ.ГАЗ 486,8 ▲ + 106,9 | МАСЛО ХЛОПК. 819,6 ▼ - 13,1 | САХАР 616,4 ▼ - 1,2 | МУКА выс.сорт 280,7 ▲ + 0,7 |

(Боши 1-бетда)

Биргина 2004 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 327225 та иш мазмунан кўрилиб, қонуний ҳал этилганлиги бунинг далилидир.

Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, судларнинг мустақиллигини, суд ишларининг ошкоралигини таъминлаш ҳамда суд ишларини соддалаштириш борасида ижобий ишлар амалга оширилиб, бугунги кунда ушбу ислоҳотлар натижаси одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, мустақилликдан кейин ўтган қисқа давр мобайнида амалдаги қонунларга бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

# Суд мустақиллигини таъминлаш йўлида

Хусусан, амалдаги ЖПК ва ФПКга ўзгартириш киритилиб, процессуал қонунчиликнинг энг муҳим институтларидан бири – ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш жорий этилди. Мазкур институтнинг жорий этилиши натижасида фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги суднинг ваколатлари бирмунча кенгайди.

"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилиниши натижасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркуми кенгайтирилди, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига ўзгартиришлар киритилди, хусусий мулк дахлсизлиги кафолати сифатида мол-мулк мусодараси жазо тизимидан чиқарилди, етказилган моддий зарар ихтиёрий қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги белгиланди, дастлабки тергов ва эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаб туриш муддатлари қисқартирилди, амалдаги қонунчиликка биринчи бор ярашув институти киритилди.

Амалдаги фуқаролик процессуал кодексига суд буйруғи институтининг киритилганлиги натижасида суд иши соддалаштирилди, ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризалари бўйича судья ишни кўрмасдан суд буйруғи чиқариш ваколатига эга бўлди. Бу ўз навбатида фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган фуқаролик муносабатларини ортиқча сансалорликларсиз тартибга солиш имкониятини яратди.

Олиб борилаётган ислоҳотларнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармонига асосан 2005 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилди, 2005 йил 8 августдаги Фармони билан жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишда санкция бериш ҳуқуқи 2008 йил 1 январидан бошлаб судлар ваколатига ўтказилди.

Мазкур Фармонлар ҳам инсонларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган бўлиб, ижтимоий ҳаётда ўз самарасини бериши шубҳасиздир.

**Холмўмин ЁДГОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди судъяси.**

# Дунёни кўриш бахти

(Боши 1-бетда)

1993 йилда у ишга туширилди. Истиқлолнинг биринчи меваларидан бўлди – бу. Иморатнинг чиройли, кўркам, ҳамма шароитлар билан таъминланганлиги бир томон бўлса, Япониядан асбоб-ускуналар келтирилиши яна бир ютуқ бўлди.

Мустақилликкача кўз операцияларининг кўпи Москвада, Киевда қилинарди. Бизга рухсат йўқ эди. Бу жуда қийин. Кўзга гавҳар қўйдириш учун Москвага бориларди. Сарсонсаргардонликни айтинг. Кетган харажатни ҳисобланг. Врачлар ҳам, ўзимиз ҳам Москвадан беморга ёрдам берадиган кичик ускунами, гоҳо гавҳарми олиш учун, очиғи, баъзан анор, қовун кўтариб борардик...

Ҳозирда 8 та жарроҳлик столи бор. Бир пайтнинг ўзида 8 та беморнинг кўзини операция қила оламиз. Мутахассис врачлар, ҳамширалар, аппаратура тўла етарли. Кўзга қўйиладиган гавҳар, жуда кичкина. Оддий кўзга унчалик кўринмайдиям. Шуни Москвадан олиб келиш бир пайтлар азоб эди. Бирданига, сизни эшитиб ўтирмасдан "Мумкин эмас!" дейишарди. Кўзга гавҳар қўйиш операцияси бизнинг ўшанда энг олий орзумиз эди, ишонасизми?! Ҳозир бизда бу нозик ва доимий қилинадиган операция. Бугун бемор бизда қўйиладиган кўз гавҳарини ўзи танлайди: Англиядан, Америка, Исроил, Россиядан олинган кўз гавҳарлари бор. Бири-биридан яхши. Кўзи кўрмай қолган ва кўзи очилган одам. Кўз олдингизга келтиринг, ахир бу инсон тақдири. Қолаверса, авваллари бир йилда 600 тага яқин операция қилинарди. Ҳозир 2500 тагача бундай жарроҳлик амалиёти ўтказиляпти. Сурхондарёнинг ўзи, Қашқадарё, Афғонистон, Андижондан келиб, шу ерда кўзини даволатишмоқда. Кўзга дунё қоронғу бўлса... бу жуда оғир. Қанча йиллар ҳаётни кўриб юрган одам бундай қайғуга чидаши қийин. Сизнинг озгина хизматингиз билан "Мен сизни жуда яхши кўраяпман, дўхтиржон... дарахтларни, одамларни, осмонни... ҳамма нарсани аниқ, тиниқ кўраяпман..." деса, кўзидаги, юзидаги ҳаяжонни кўриб, кўзингиздан ёш чиқиб кетади. Баъзи беморлар суюнганидан, юраги тўлиб, сизни қучиб, кўксингизга бошини қўйиб йиғлаб юборадилар. Дунёни кўриш, бу бебаҳо инъом.

Илм игна билан қудуқ қазишдай. Айниқса, кўзни очиш... Оллоҳ кўзни қандай яратганлигининг ўзи ҳайратланарли. Бир одамнинг кўзига нур берсангиз, унга дунёни янгидан яратасиз, дунёни янгидан бахш этасиз. Орзуим шу эди, олдин Самарқандда ўқидим, кейин Москвада илмимни оширдим. Ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолганим йўқ. Тинимсиз изланаяпман. Қилган ихтироларим 25 тага етди. Яна 20 та ихтирони тайёрлаб топширдим. Битта кашфиётим ҳақида озгина гапириб берсам.

Кўп давлатларда шундай бир кўз операцияси бор. Узоқни кўролмайдиган ёки хира кўрадиган беморлар бор. Уларни соғайтириш мумкин. Бу жарроҳлик йўли билан амалга оширилади. Унда кўз гавҳарининг ортига марҳум одам мияси пардасидан қўйилади. Айтишга осон, аммо мураккаб томонлари кўп. Ҳеч ким, қайси миллат, қайси диндан бўлмасин, бошқасини қўяверинг, ҳатто 120 ёшга кирган катта бобоси вафот этса ҳам "Майли, бошини очиб, мия пардасини олинг, кимнингдир дардига даво экан", демайди. Ва тўғри қилади. Ахир масаланинг, маънавий ва ахлоқий жиҳатлари шундай. Яқинлари марҳумга тиғ теккизишга, кўпинча экспертиза қилишга-да кўнишмайди. Шундай экан, ҳозиргача кўз "операция"сига зарур бўлган мия пардаси кўчада қаровсиз, эгасиз қолган марҳумлардан олинарди. Муаммонинг яна бир томони шундаки, гоҳо шундай кўз операцияси қилинганларда кутилмаган касаллик пайдо бўларди. Бу мия пардасидан ген орқали ўтгани аниқланарди. Беморнинг кўзи соғаярди, лекин ўзи баъзан бошқа бир касалликка чалиниб қоларди.

Йиллар ўтган сари кўзга ўлган одам мия пардасидан олиб қўйиш муаммоси кучайиб бораверди. Буни бартараф этиш юзасидан тинимсиз, чуқур ва узоқ илмий изланишлар олиб боришимизга тўғри келди. Қуён ва бошқа жониворларда изчил тажрибалар ўрганилди. Ниҳоят, биз бу муаммони ижобий ҳал қилдик. Қилган ихтиромиз нафақат ўзимизда эътироф этилди, балки бутун дунёнинг диққатини тортди. Жаҳон офтольмологлари бу борадаги қатор ихтироларимизга юқори баҳо бериб, катта қизиқиш билан қараётир.

Изланишларимиз шуни кўрсатдики, бу операцияда мия пардаси ўрнига қўй юраги пардасини ишлатса бўлар экан. Афзалликлари жуда кўп. Аввало, беморда "гавҳаримнинг ортига ўлган одам мия пардаси қўйилган" деган руҳий, маънавий безовталик ҳам бўлмайди. Қўй юрак пардасини қўйиш бемор руҳиятига ҳеч қандай акс таъсир кўрсатмайди. Қолаверса, қўй юраги пардасини олиш ниҳоятда оддий ва арзонга тушади. Марҳумларнинг мия пардасини олиш харажати 15-20 долларга тўғри келарди. Янги тажрибамизда бу амал 4 долларга тушаяпти. Бизнинг ихтиромиз республика бўйича бир йилда 9 миллион долларни тежаш имконини беради. Бу кашфиётимиз учун лецензия олганмиз. Турли илмий газета ва журналларда мазкур амалиёт юзасидан 50 дан ортиқ мақолалар эълон қилинди.

Ҳозирда Англия, Америка, Франция, Ҳиндистон, Покистон ва Исроил офтольмологлари бу операция хусусида сўровлар берган. Америка офтольмологияси Академияси аъзолигига қабул қилишди. Европа офтольмология жамияти аъзосиман.

14 йил олдин хорижга борсак, юртимизни билишмасди. Харитадан излаб топишолмасди. Ҳозир Европага бораманми, Америками, "О, Ўзбекистон, Ўзбекистон" деб қарши олишади. Кўнглим бирдан ғурурга тўлади. Истиқлол йилларида Ўзбекистонимизни бутун дунё таниди.

Келажакдаги ниятларимиз катта. Изланишлар давом этяпти. Шогирдларим кўз касалликларини даволаш борасида яхши ютуқларга эришаяпти. Албатта, ёшликдан илм йўлига қатъий киришса, қийинчиликлардан қўрқмаса, масъулиятли бўлса, устозга таяниб, етук мутахассис бўлиб етишадилар.

Вилоят шифохонамиз учун келгусида энг сўнгги моделдаги ультратовуш ва лазер компьютер аппаратларини Япониядан олиш истагидамиз. Умид билан келган ҳар бир бемор кўзи чарақлаб очилиб, ёруғ дунёни кўрса, фарзандининг бўй-бастига боқиб қувонса, отаонасининг меҳрли юзига тикилиб суюнса, умримнинг мазмуни шу...

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ ёзиб олди.**

ТААССУФ

# Бепарвонинг боғи хароб

***Мамлакатимизда аграр соҳанинг ривожланиши шу соҳадаги ҳар бир тармоқда ўтказилаётган ислоҳотларнинг қай даражада изчиллигига боғлиқ.***

Афсуски, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси тизимидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида кейинги йилларда кўпгина камчилик ва қусурлар кўзга ташланмоқда.

Соҳада белгиланган режаларнинг бажарилмаслиги, имкониятлардан унумли фойдаланмаслик, тадбиркорлик билан иш юритмаслик, кадрлар қўнимсизлиги ва бошқа салбий ҳолатлар компаниянинг ишлаб чиқариш режаларини мутассил бажармаслигига сабаб бўлмоқда.

Тармоқда экин экиладиган ерлардан самарали фойдаланиш даражаси пасайиб кетган. Таҳлиллардан кўринишича, компанияга қарашли қишлоқ хўжалик корхоналарида пахта, бошоқли дон ва бошқа ихтисосдан ташқари экинларни босқичма-босқич қисқартириб бориш белгиланган бўлишига қарамай, ушбу талаб ҳокимлик ва хўжалик раҳбарлари томонидан амалга оширилмаган.

Компанияга ўз хўжаликлари ерларида мева-сабзавот, картошка ва узум экишни мустақил равишда режалаштириш ҳуқуқи берилган бўлса-да, мазкур қарор талаблари етарлича бажарилмаган.

Сабзавот экинларини жойлаштириш режаси компания томонидан 2003 йилда 56 фоиз, 2004 йилда 38 фоизга бажарилган, холос.

Сабзавот экилган майдонлар 2004 йилда 2000 йилга нисбатан 1918 гектарга, жумладан, Наманган вилоятида 798 гектарга, Тошкент вилоятида 669, Самарқандда 268, Қашқадарёда 147, Фарғонада 61 гектар камайишига йўл қўйилган.

Оқибатда, сабзавот маҳсулотларидан олинган ҳосил салмоғи кескин пасайиб кетиб, аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган талабини қондиришда муаммолар юзага келган. Таҳлиллар компания ва унга қарашли қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари томонидан қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси устидан назорат тўғри ташкил этилмаганлиги, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланилмаганлиги ҳамда агротехник тадбирларга риоя этилмаганлигини кўрсатади.

Масалан, Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги "Косонсой" ширкат хўжалигининг 37 гектар ер майдони "Порлоқ замин" фермер хўжалигига ноқонуний бериб юборилган. Шунингдек, хўжалик бошқаруви раиси Ю.Каримов ўғли А.Аълохўжаевга 7 гектар ер майдонини ноқонуний ажратиб берган. Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "Қибрай" ширкат хўжалигининг мансабдор шахслари ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчиликка йўл қўйиб, Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро Б.Аҳмедовга 11 гектар экин майдонини фермер хўжалиги юритиш учун ноқонуний ажратиб беришган.

Компанияда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида қайта ишловчи ва қишлоқ хўжалиги корхоналари негизида "дала-истеъмолчи" тизими асосида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сотишга қатъий ихтисослаштирилган фирмаларнинг ташкил этилишида улар ўртасидаги боғлиқликларни таъминловчи ҳуқуқий меъёрлар талаб даражасида ишлаб чиқарилмаган.

Компанияга қарашли хўжаликларда кейинги йилларда токзорлар кўпайиши ўрнига камайган. Масалан, хўжалик раҳбарларининг ушбу йўналишдаги ишларга совуққонлик билан қараганликлари оқибатида 2000-2004 йиллар мобайнида Тошкент вилоятида 1075 гектар, Наманганда 378, Самарқандда 349, Андижонда 62, Республика бўйича жами 1864 гектардаги боғлар майдони қисқарган. Натижада 44,8 минг тонна узум кам етиштирилган.

Шу билан бирга, мавжуд боғ ва токзорларнинг сийраклашиш даражаси йилдан-йилга ортиб бораётир. Масалан, Андижон вилоятининг Хўжаобод туманидаги "Хўжаобод" ширкат хўжалиги боғларида мевали дарахтларнинг бир қисми қуриган бўлишига қарамай, уларнинг ўрнига янги кўчатлар экилмаган. Боғларнинг қатор ораларини ҳайдаш, суғориш ва бошқа агротехника тадбирларини сифатли ва вақтида бажариш чоралари кўрилмаган.

> **"Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компаниясига қарашли қишлоқ хўжалиги корхоналарида мавжуд техника воситаларининг сақланишида ва мавсумга тайёргарлиги борасида ҳам бир қатор қонун бузилишларига йўл қўйиб келинган. Хўжаликларда мавжуд автомашиналардан 315 таси, тракторлардан 310 таси, ғалла ўрим комбайнларидан 13 таси ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаларидан 246 таси ишга ярокли ҳолатга келтирилмаган.**

Фарғона вилоятининг Бувайда туманидаги "Узумзор" ширкат хўжалигининг мансабдор шахслари томонидан ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан қаралганлиги оқибатида 376 гектар узумзорларнинг 167 гектари ҳайдалмасдан қолиб, бегона ўтлар босиб кетган. Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Бобур номли ширкат хўжалиги 2002 йилда фермер хўжаликларига айлантирилган бўлиб, ўшанда 87 гектар боғ ва 97 гектар токзор мавжуд бўлган. Ҳозирга келиб ушбу хўжаликда бир гектар боғ ҳам, токзор ҳам қолмаган.

Республикамиздаги компания тизимига қарашли токзорларнинг катта қисми симғазаларга кўтарилмаган. Боғлардаги сийраклик даражаси ўртача 15-20 фоизни, узумзорларда 18-25 фоизни ташкил қилади. Янги боғларни яратиш режаси 65-70 фоизга, токзорларни яратиш 45-50 фоизга бажарилган. Энг таассуфланарлиси, фермер хўжаликларига ажратилган боғ ва токзорларнинг кўп қисми йўқолиб кетган. Уларга ажратилган боғ ва узумзорларнинг сақланиши назорат қилинмаган.

"Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг" компаниясига қарашли қишлоқ хўжалиги корхоналарида мавжуд техника воситаларининг сақланишида ва мавсумга тайёргарлиги борасида ҳам бир қатор қонун бузилишларига йўл қўйиб келинган. Хўжаликларда мавжуд автомашиналардан 315 таси, тракторлардан 310 таси, ғалла ўрим комбайнларидан 13 таси ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаларидан 246 таси ишга ярокли ҳолатга келтирилмаган.

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги "Қишлик" ширкат хўжалигида атиги битта ҳайдов трактори ишлаётганлиги сабабли хўжалик боғларидаги қатор ораларининг 70 фоизи ҳайдалмай қолиб кетмоқда.

Тизимда чорва молларини кўпайтириш, сақлаш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Маълумотларга кўра, 2002-2004 йиллар хўжаликларда йирик шохли моллар 2,2 бошга, майда шохли моллар олти минг бошга камайган. Мажбурий сўйилган чорва молларининг асосий қисми Тошкент, Андижон, Сурхондарё, Наманган вилоятларига тўғри келиб, хўжасизлик оқибатида ҳаром ўлган чорва молларининг сони жами хўжаликлар бўйича 565 бошни ташкил этади.

Тизимга қарашли хўжаликларда чорва молларини талон-торож қилиш ҳолатларига ҳамон барҳам берилмаётир. Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги "Заркент" ширкат хўжалиги бош чўпони Б.Эргашев 216 бош чорва молларини талон-торож қилишга йўл қўйган. Наманган вилояти Чуст туманидаги "Ғовасой" ширкат хўжалиги омбор мудири Ю.Усвалиев 7,7 тонна емни ноқонуний ўзлаштириб юборган.

Тизимда айрим мансабдор шахслар ширкат хўжаликлари ҳисобида бўлган мулкларнинг сақланиши ва мақсадли ишлатилишини назорат қилиш ўрнига ўзлари жиноят содир этиб, асосий воситаларни талон-торож қилишга йўл қўйишган.

Масалан, Булунғур туманидаги "Чўянтепа" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси М.Очилов ва бош ҳисобчиси Б.Қўзиевлар томонидан жами 8 миллион сўмлик 11 трактор, 2 та бино ҳамда бошқа асосий воситаларнинг ноқонуний равишда ҳисобдан чиқарилиши оқибатида хўжаликка жуда кўп миқдорда зарар етказилганлиги аниқланди. Тизим корхоналари фаолиятида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва солиқ тўғрисидаги қонунларга риоя этилишида йўл қўйилган қонун бузилиш ҳолатлари ўз навбатида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан қарздорликнинг вужудга келишига олиб келган.

Андижон вилояти Асака туманидаги "Асака" ширкат хўжалиги масъул мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари натижасида ишчи ва хизматчиларнинг 27 миллион сўмлик иш ҳақларини тўлаш чоралари кўрилмаган.

2005 йил ҳосили учун жойлардаги айрим туман ҳокимликлари томонидан 21,5 минг гектар майдонга бошоқли дон ва чигит эктирилиб, режадаги 12 минг гектар ўрнига 3,3 минг гектар майдонга сабзавот экилган, холос.

Жумладан, Бухоро вилоятида 32 гектар, Сурхондарёда 1006, Қашқадарёда 1050, Фарғонада 1215, Андижонда 1776, Самарқандда 3466, Наманганда 4432 ва Тошкент вилоятида 8569 гектар майдонларда бошқа турдаги экинлар экилишига йўл қўйилган.

Компанияда ушбу ҳолатларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган масъул мансабдор шахсларга нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, жиноий ва маъмурий ишлар қўзғатилди.

**Рустам ЖАЙСУНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, бошқарма катта прокурори, 1-даражали юрист.**

## САМАРҚАНД ТОМОНЛАРДА

### Мотор мойи...

***Ургут туманидаги Камонгарон қишлоғида эронлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон – Эрон қўшма корхонаси фаолият бошлади.***

"Камонгарон" қўшма корхонасида айни пайтда автомобил двигател мойлари, кир ювиш кукунлари ва совун ишлаб чиқариш бошлаб юборилди. Маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш режалаштирилган. Яна бир аҳамиятли томони, корхона шу қишлоқда яшовчи 50 нафар йигит-қизни иш билан таъминлади. Корхона кенгайиб, тўла қувват билан ишлай бошлагач, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури кўпайди.

### "Холокаст болалари"

***Самарқанд Давлат чет тиллари институтида исроиллик фотографларнинг шу номдаги фотокўргазмаси очилди.***

"Холокаст" сўзи иккинчи жаҳон уруши йилларида муомалага кирган бўлиб, "қирғинга маҳкум қилинганлар" маъносини беради. Фашистлар томонидан яҳудийлар оммавий қирғинга учрагандан сўнг ушбу сўз луғатда пайдо бўлган.

Фотокўргазмадан Исроил маданияти, тарихи, уруш йилларидаги яҳудий болалар ҳаёти тасвирланган суратлар ўрин олган.

### "Сен ёлғиз эмассан"

***Самарқанд шаҳридаги 10-сон Меҳрибонлик уйида меҳрибонлик уйлари тарбиячилари ўртасида "Юрагимни болаларга бағишлайман" номли танлов бўлди.***

Халқ таълими вазирлиги ҳамда "Сен ёлғиз эмассан" республика жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўрик-танловда иштирокчилар уч шарт бўйича беллашишди. Мураббийлар танлов давомида ўз билим ва тажрибаларини, тарбия бериш маҳоратлари ва машғулот ўтиш услубларини намойиш этдилар.

Билимдонлиги, болаларга меҳрибонлиги, касбини севган тарбиячи сифатида ажралиб турган Самарқанд шаҳридаги 6-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Зулайҳо Назарова танлов ғолиби, деб топилди.

**Акрам ҲАЙДАРОВ**

Элликқалъа тумани пахта тозалаш заводида ҳозирда иш қизғин. Бу йилги мавсумда қабул қилинган пахта хом ашёси қайта ишланяпти. Биргина пресслаш цехида ҳар сменада 70-80 донадан юқори сифатли пахта тойлари тайёрланиб, хорижлик ҳамкорларга пешма-пеш жўнатилаяпти.





**СУРАТЛАРДА:** корхона ҳаётидан лавҳалар.

**Б.АКРАМОВ олган суратлар.**

# Иқтисодиётни юксалтирувчи куч

(Боши 1-бетда)

Дейлик, вилоятимизда фаолият кўрсатаётган "Жўра Нишод - 98", "Ўғлон", "Элбек", "Файз", "Арбоб Ғайбулла" сингари қатор фермер хўжаликлари 70-80 миллион сўм сарфлаб хорижда ишлаб чиқарилган комбайнлар, ҳайдов ва бошқа турдаги техника воситаларини харид қилишди. Бу маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, иш унумдорлигининг ошишига, таннархнинг арзонлашувига олиб келади, албатта.

Шу билан бирга, фермернинг хорижий давлатларда бўлиб, илғор тажрибаларни ўрганиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Халқимизда "Минг эшитгандан бир кўрган афзал" деган нақл бежиз айтилмаган. Бинобарин, фермерларнинг иш ўрганиш мақсадида хорижга чиқишлари учун маълум бир имтиёзларни берувчи қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилса, фойдадан холи бўлмасди.

Шахсан ўзимнинг тажрибамга таяниб айтишим мумкинки, 2001-2003 йилларда АҚШнинг Мэриленд университетида малака оширганим, хорижлик фермерлар фаолияти билан яқиндан танишганим менга катта фойда берди. Фермер хўжалигимизда оз ердан кўп ҳосил етиштириш кўникмасининг шаклланишида хорижда кўриб ўрганганларимнинг нафи тегди, деб ўйлайман. Жорий йилда биз ҳар гектар ердан 98 центнердан дон, 78 центнердан пахта олдик.

Кези келганда, хорижлик фермерларнинг ўрганса арзигулик ишлари ҳақида тўхталиш ҳам фойдадан холи эмас. Улар ерни алмашлаб экади. Ҳосили йиғиштириб олингач, унга дам беради. Дейлик, донни йиғиштириб олиб, ерни шудгорлаб қўяди. Биз бир қисм экин майдонларимизда бултур шундай йўл тутиб, бу йил яхши самара кўрдик.

Чет элда фермер маҳаллий ўғитни ҳўллаб махсус насослар орқали ерга киритади. Экин қатор орасига ҳам суюқ ҳолдаги маҳаллий ўғит билан ишлов беради. Бизда-чи? Ўғит чиқарилиб, ерга сепилгунча унинг таркибидаги фойдали моддаларнинг бир қисми ҳавога учиб кетади.

Хорижда маҳсулот етиштирувчи билан тайёрловчи ўртасидаги шартномалар ҳам ғоят пухта тузилади. Масалан, фермер шартномадагидан бир килограмм кўп ёки кам ҳосил топширган тақдирда жарима тўлайди. Бошқача айтганда, бозор механизми тўла шаклланган. Ўзимизда ҳам бозор механизмини такомиллаштиришга хизмат қилувчи қонунларга эҳтиёж сезилаяпти.

Маълумки, шартнома бу – қонун. Аммо бизда бу қонунни етиштирувчи ёки тайёрловчи томонидан у ёки бу даражада бузиш ҳоллари учрайди. Демак, ҳуқуқий маданиятни ошириш зарур.

Яна бир гап. Хорижлик фермер муайян соҳага ихтисослашган. Биз эса дончилик, пахтачилик, сабзавотчилик билан баб-баравар шуғулланамиз. Фикримча, фермер маълум бир соҳага ихтисослашгани маъқул.

Кўпгина ривожланган давлатларда фермернинг топширган маҳсулоти учун ҳисоб-китоб ишлари 48 соатда амалга оширилади. Биз эса етиштирган маҳсулотимизнинг пулини олиш учун олти ой кутамиз. Айтайлик, пахта ҳақининг 80 фоизини 1 январгача, қолганини эса хом ашё қайта ишланганидан сўнг оламиз. Аммо бу усулдан фермер манфаатдор эмас. Гап шундаки, фермер маҳсулоти учун йилига икки марта ҳақ олади. Натижада солиқни объектив сабабларга кўра вақтида тўлай олмайди. Вақтида тўланмаган солиқ эса пеня "туғиши"ни унутманг. Назаримда, ҳақиқий аҳволни ўрганиб чиқиб, солиқ қонунчилигига ҳам ўзгаришлар киритиш керак.

Мен юқорида бозор механизмини такомиллаштирувчи қонунлар масаласида тўхталган эдим. Сервис хизматига оид янги қонунлар ишлаб чиқиш, мавжудларини такомиллаштириш зарур, деган фикрдаман. Мен АҚШда бўлганимда 800 гектар экин майдонига эга бир фермер фаолияти билан яқиндан танишгандим. Чорвачиликка ихтисослашган бу фермернинг 250 бош соғин сигири бор. Эр-хотин ишлашади. Зарурат туғилганда ишчиларни ёллашади. Шу фермер ишхонасида туриб компьютер экрани орқали у ёки бу чорва озуқасининг қандай ривожланаётганини, қайси контурда экинни суғориш зарурлигини кузатиб, аниқлаб беради. Компьютерга керакли тасвир ер йўлдоши орқали узатилади. Фермер шундай хизмат кўрсатувчи фирма билан шартнома тузган. У ҳатто об-ҳавони кузатувчилар билан ҳам шундай шартномага эга. Қайси кунларда у деҳқончилик қилаётган ерларда ҳаво очиқ, қачон ёмғир ёғади – буларнинг бари ҳақида маълумотларга эга бўлади. Бу унга дейлик, бедани қачон ўриш қулайлигини аниқлашда ёрдам беради. Хуллас, хорижда фермер ўз фаолиятини сервис хизматисиз тасаввур эта олмайди.

Бизнинг юқорида баъзи бир қонунларни мукаммаллаштириш ҳақида тўхталганимиз бежиз эмас. Агар давр талабига, жаҳон андозасига мос қонунлар ишлаб чиқилиб, уни ҳаётга татбиқ этиш жараёни жадаллашса, қишлоқ хўжалигининг тараққий қилиши учун халқаро алоқаларни кенгайтиришнинг янгидан-янги имкониятлари юзага келади. Зеро, тадбиркорликда, ердан ризқ-рўз ундиришда ўзбек деҳқонининг бошқалардан ортда қоладиган жойи йўқ!

**Ёқуб ФАТТОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси, Пешку туманидаги "Фаттоев" фермер хўжалиги бошлиғи.**

## ЯХШИ ХАБАРЛАР

### Ҳаммаси келажак авлод учун

***Миришкор туманидаги Жейнов ширкат хўжалигида янги замонавий болалар спорт мажмуаси барпо қилиниб, фойдаланишга топширилди.***

Хўжаликнинг 400 миллион сўм маблағи ҳисобидан бунёд этилган мазкур болалар спорти мажмуасининг фойдаланишга топширилиши Жейнов қишлоғи ёшлари учун муносиб туҳфа бўлди. Эндиликда бу ерда қишлоқ ёшларига спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, теннис ҳамда якка курашнинг бир неча турлари билан шуғулланиш имконияти яратилди.

Шунингдек, бу ерда болалар спорт мактаби ҳам фаолиятини бошлади. Мазкур спорт мактабига хўжалик томонидан 10 миллион сўмлик инвентарлар олиб берилди.

### Маҳаллаларда компьютер

***Қашқадарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ташаббуси билан маҳаллаларни компьютерлаштириш дастурини бажаришга киришилди.***

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни, бандлик ва аҳолининг даромадларини ўрганиш юзасидан ташкил этилган мазкур дастур асосида компьютерлаштириш тажриба тариқасида Қарши шаҳри маҳаллаларида бошлаб юборилди.

Ҳозир шаҳардаги мавжуд 62 та маҳаллада компьютерлар ўрнатиляпти. Булар бевосита шаҳар ҳокимлигидаги компьютер марказига боғланади.

**Фахриддин БОЗОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| МУКА 1 сорт 200,4 ▲ + 1,1 | МУКА 2 сорт 180,0 ▼ - 0,01 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 1090,9 ▲ + 250,9 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 1056,2 ▲ + 212,7 | ПОЛИЭТИЛЕН I1561 1250,5 ▲ + 71,5 | КАРБАМИД 151,6 ▲ + 1,6 | |

# Йўлсозлар ибрати

**_Денов тумани марказида жойлашган бозорга бундан бир неча ой муқаддам машинада борган киши йўлларнинг торлиги, носозлиги туфайли соатлаб қолиб кетарди._**

Транспорт ҳаракати хавфсизлиги ҳаракатига риоя қилишнинг иложини тополмаган ҳайдовчилар тўғри келган томонга машина рулини буриб, тиқилинчдан чиқиб кетишга уринишарди. Бу ҳолат эса машиналарнинг турнақатор бўлиб тўхтаб қолишига яна бир сабаб бўлиб қўшиларди. Аҳвол ўрганилиб, таҳлил қилиниб чиқилгач, бу ерда айланма йўл қуриш лозим, деган тўхтамга келинди. Бу масъулиятли вазифа Денов туман йўл хўжалик таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси жамоаси зиммасига юкланди.



–Бозорга келувчиларнинг оғирини енгил қилиш бизга боғлиқ бўлиб қолди, - дейди корхона раҳбари Ўрол Худойбердиев. – Масъулиятни ҳис қилган ҳолда йўлни тез ва сифатли қуришга бел боғладик ва тажрибали ходимларимизни, ихтиёримиздаги энг яхши транспорт воситаларини шу ишга жалб қилдик. Шу боис қисқа фурсат ичида 3 километру 350 метр айланма йўл қуриб битказилди. Шунингдек, 15 километр йўл сифатли таъмирдан чиқарилди.

Туман йўл хўжалик пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси жамоасининг ана шу саъй-ҳаракати боис бозор атрофида рўй берадиган йўл хавфсизлик ҳаракати қоидаларининг олди олинди. Энди одамлар бозорга эмин-эркин келиб кетадиган бўлишди. Айниқса, кенг ва равон йўл фойдаланишга топширилган биринчи кун деновликлар учун байрам бўлиб кетди.

70 га яқин замонавий техника воситаларига эга корхона оралиғи 36 километр, қиймати 2,5 миллиард сўмлик бўлган яна бир объект қурилишини тендер асосида ютиб ишни бошлаб юборди. Келгуси йил мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши лозим бўлган бу йўлни қуриш ишлари айни дамда қизғин давом этмоқда. Йўлсозлар 4 ой ичида 734 миллион сўмлик иш бажаришга эришганликлари ҳам йўлнинг ўз вақтида қурилиб, ишга туширилишидан далолат бериб турибди. Йўлсозларнинг ётоқхона, 3 маҳал иссиқ овқат билан таминланганлиги, ойлик маоши вақтида берилиши эса ишнинг тез ва соз бажарилишига замин яратаяпти.





Сурхондарёда Денов туман йўл хўжалик пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси жамоасининг хайрли ишлари тезда кўзга ташланиб қолди. Шу боис уларга бирин-кетин буюртмалар кела бошлади. Ана шундай буюртмалардан бирини Сурхондарё автойўл ҳудудий шўъба ташкилоти берди. Шартномага биноан М-39 деб аталувчи йўлда 300 миллион сўмлик иш бажарилиши кўзда тутилганди. Шартнома шартлари бажарилди ва 9,5 километр йўл тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Буюртмаларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишини кўрган темир йўл қурилиши билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳам деновлик йўлсозларга ишонч билдиришди. Шу тариқа улар вилоятда бунёд этилаётган темир йўл қурилишига ҳам ўз ҳиссаларини қўша бошлади.

–Темир йўл қуриш осон иш эмас, - дейди Ўрол Худойбердиев. – Ишда озгина нуқсонга йўл қўйилиши катта фожиаларга олиб келиши мумкин. Биз тупроқ ишларини бажарамиз. Демакки, темир йўлнинг фундаментини биз бунёд этамиз. Фундаменти мустаҳкам бўлмаган ҳар қандай иншоотнинг умри эса қисқа бўлади. Шуларни ҳисобга олиб, темир йўл қурилишидаги ҳар бир ишни етти ўлчаб, бир кес, ақидасига амал қилиб бажардик.



214 миллион сўмлик темир йўл қурилишида тупроқ ишларини бажарган деновлик йўлсозлар бу борада ҳам тажриба орттиришди, энг муҳими, билдирилган ишонч оқланди, белгиланган вазифа бажарилди. Юзи ёруғ, қўли қадоқ, заҳматкаш йўлсоз учун бундан ортиқ шодлик, бахт бўлмаса керак. Чунки йўл қурмоқ, бировларнинг оғирини енгил қилмоқдан каттароқ савобнинг ўзи йўқ.

Савоб ишлар қилишдан, кенг ва равон йўллар қуришдан чарчаманг, деновлик йўлсозлар!

**Ўктамхон ХОЛДОРОВА**




## АК "Ўзулгуржисавдо"

**Реализует со склада в г.Ташкенте следующую продукцию:**

***Трубы ВГП, ГОСТ 3262-75**
20Х2,8 мм, 40Х3,5 мм, 50Х3,5 мм.
***ТРУБЫ Э/СВАРНЫЕ, ГОСТ 10705-80**
57Х3,5 мм, 76Х3,5 мм, 89Х4 мм, 102Х4-5 мм,
108Х4 мм, 114Х4 мм, 159Х6,8 мм, 168Х8 мм,
219Х8,9; 10 мм, 325Х8 мм, 377Х8 мм; 426Х6-18 мм.
*Листы стальные Г/К 11,12 мм
*Электроды сварочные МР-3 Ø 4 мм
*Оборудование для парикмахерских
*Алюминиевые подвесные потолки
*Подвесные потолки картонного типа "Армстронг"
*Перфораторы разных марок, электродрели
*Электропилы дисковые для резки металла
*Пилы дисковые для резки металла ø 35,40 мм
*Ручные электрофрезы, электропилы (для резки кафеля и алюминия)
*Эсксопилы
*Слесарно-монтажные инструменты (фрезы, сверла, метчики, ключи гаечные, плашки, алмазные бруски)
Припой ПОС-30, ПОС-40 Электроды нержавеющие – НЖ-13, ЦЛ-11 ø 4 мм
*Мини-генераторы бензиновые
*Наборы инструментов
*Плитку облицовочную керамическую
*Плитку облицовочную половую
*Кубики керамические неглазурованные для мозаичных работ
*Электрооборудование (насосы, водяные помпы)
*Аэрогенераторы и солнечные генераторы
*Мельницы для размола муки
*Оборудование для очистки риса
*Пиломатериалы, деловая древисина

**Так же имеем возможность поставить по заказу Магистральные трубы в течении 15-17 дней ГОСТ 20295-85; ГОСТ Р52079-2003 и др. ТУ 14-3Р-01-93, следующих диаметров:**
**530 х 7-24 мм; 610 х 7,9-24 мм; 630 х 7-24 мм**
**720 х 7,3-30 мм; 762 х 7,9-30 мм - 30 мм**
**1020 х 8,8-32 мм; 1067 х 9-32 мм**

**_При больших объемах поставок труб могут быть снижены цены_**

**Имеет возможность поставить по заказам потребителей:**
*Мини-шиферный завод *Мини-оборудование для производства полиэтиленовых труб
*Мини-завод по выпуску хлопкового масло *Солнечные электростанции
*Мини-мукомольный завод *Мини-завод по переработке хлопковых семян
*Трубы и металлопродукцию всех размеров _Товар сертифицирован_

г.Ташкент, ул.Навои, 7. Тел.: 139-27-15, 139-27-16, 144-59-53.
E-mail: uz_savdo@mail.ru



Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан бири

## ХАЛҚ БАНКИ

Мижозларга 20 га яқин жозибадор омонат турларини жорий этган ҳолда янги "Марварид", "Янги йил совғаси" ҳамда "Фаровон" омонат турларини таклиф этади.

**"Марварид"** — қисқа муддатли, сақлаш муддати 6 ой, фоиз даромадлари йиллик 36%, бошланғич бадал 100 000 сўм, омонатчи хоҳишига кўра ҳар ойда фоиз даромадларини олиши мумкин

**"Янги йил совғаси"** — қисқа муддатли, пул ютуқли, сақлаш муддати 3 ой, бошланғич бадал 10 000 сўм

**Ютуқлар тиражи 2006 йилнинг январ ойида Нукус шаҳрида ўтказилади, энг катта ютуқ миқдори 1 000 000 сўм**

**"Фаровон"** — қисқа муддатли, сақлаш муддати 3 ой, фоиз даромади йиллик 35%, бошланғич бадал 100 000 сўм.

**Омонатларга пул маблағлари Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.**

**_Омонатингизни ишончли банкда сақланг ва кўпайтиринг!_**






## Парламент қарори

**_Эрон ядровий дастурлари борасидаги муаммолар ҳамон мураккаблигича қолмоқда._**



Эрон парламенти БМТ инспекторларини мамлакат ядровий иншоотларига киритмаслик ва бу борада олиб борилаётган ҳар қандай келишувларни тўхтатиш тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Бу қонун Теҳронга нисбатан иқтисодий санкция қўллаш масаласи БМТ Хавфсизлик Кенгашида муҳокама қилинсагина кучга киради. Шунингдек, ядровий қуролларни тарқатмаслик протоколи талабларига тўлиқ амал қилмаслик тўғрисидаги қонун лойиҳаси кўриб чиқилмоқда.

## Ишончсизлик оқибати

**_Исроил бош вазири Ариэл Шарон ўзи бошчилик қилаётган "Ликуд" партиясини тарк этмоқда._**



Муддатидан аввал ўтказилиши кутилаётган парламент сайловлари олдидан ҳукумат тепасидаги "Ликуд" партияси ичида бошланиб кетган ўзаро ишончсизлик Шаронни бунга мажбур этмоқда.

Бу галги сайловлардан ҳам умид қилаётган Ариэл Шарон янги ва ишончли фракция тузишни режалаштирмоқда. РИА "Новости" хабарларига кўра, бош вазир президентни парламент - Кнессетни тарқатиб юборишга ундамоқда.

## Оиласи юз ўгирди

**_"Ал-Қоида" террорчи ташкилотининг Ироқдаги қаноти раҳбари Абу Мусоб аз-Зарковийдан оиласи юз ўгирди._**



Иордания телеканаллари орқали террорчининг яқинлари мамлакат қироли Абдулло IIга мурожаат этар экан, улар аз-Зарковийдан аллақачон юз ўгиришгани ва унинг фаолиятини қоралашларини маълум қилишган.

Бундан бир неча кун илгари аз-Зарковий интернет сайтида қирол Абдулло II ҳаётига таҳдид қилиб, яқин вақт ичида Иорданияда бир неча террористик актлар содир этишини хабар қилган эди.

## Шредер билан хайрлашув

**_Германияда Герхард Шредернинг канцлерлик лавозимидан кетишига бағишланган маросим бўлиб ўтди._**



Маросимда Германия президенти Хорст Келлер сўзга чиқиб, Шредернинг мамлакат ташқи ва ички сиёсатида амалга оширган ишлари мақтовга лойиқ эканлигини айтди.

Шунингдек, Хорст Келлер шу йилнинг 18 сентябрида бўлиб ўтган парламент сайловларидан сўнг мамлакатда юзага келиши мумкин бўлган сиёсий инқирознинг олдини олишда Шредернинг тутган йўлини қаҳрамонлик, дея баҳолади. Собиқ канцлер бу лавозимдан кетишидан сўнг сиёсий фаолиятига бағишланган китоб ёзишини маълум қилди.

## 18 ёшли мэр

**_Мичиган штатининг Хиллсдэйл шаҳарчасига 18 ёшли йигитча мэр этиб тайинланди._**



Майкл Сешионс май ойларида ўз номзодини сайловга қўймоқчи эди, бироқ ёши етмагани учун ортига қайтганди.

Шу йилнинг 22 сентябрида у 18 га тўлди ва сайловда иштирок этиб ғалабага эришди. Майклнинг айтишича, тарғибот компаниялари учун ўзи ишлаб топган 700 долларини сарф этган. Майкл АҚШ тарихидаги энг ёш мэр сифатида тан олинмоқда.

**Шермат САНАЕВ тайёрлади.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 22 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 853,89 | 1 Польша злотийси | 344,59 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1999,52 | 1 СДР | 1652,95 |
| 1 Дания кронаси | 183,95 | 1 Туркия лираси | 852,57 |
| 1 БАА дирхами | 317,09 | 1 Швейцария франки | 885,77 |
| 1 АҚШ доллари | 1164,61 | 1 ЕВРО | 1371,44 |
| 1 Миср фунти | 202,36 | 10 Жанубий Корея вони | 11,22 |
| 1 Исландия кронаси | 18,85 | 10 Япония иенаси | 97,66 |
| 1 Канада доллари | 978,83 | 1 Россия рубли | 40,38 |
| 1 Хитой юани | 144,11 | 1 Украина гривнаси | 230,62 |
| 1 Малайзия ринггити | 308,16 | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Олой бозори ҳудудида жойлашган майдони 26 кв.м бўлган савдо қатори учун Артикова Малика Рахимовна номига Тошкент шаҳар ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастри томонидан 1997 йили берилган № 2355075309 рақамли ер кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ томонидан хусусий тадбиркор Абидов Жаҳонгир Джурабаевич номига берилган думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги хусусий тадбиркор "Усарова Азиза Усмоналиевна" номига берилган чакана савдо билан шуғулланиш ҳуқуқи қайд этилган № 1532 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "VISOT STROY MONTAJ" Юнусабадского района г.Ташкента сообщает об уменьщении Уставного фонда с 30100000 сум до 9050000 сум. Претензии принимаются в течении одного месяца со дня опубликации по адресу Юнусабадский район ул.А.Темура, 100.

Утерянный аттестат А № 530387 о неполном среднем образовании выданный школой № 86 Юнусабадского района г.Ташкента на имя Колмаковой Нонны Юрьевны, считать недействительным.

ООО "GANGA" (код по ОКПО 14844581) Шайхантахурского района г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу ул.А.Кодирий д.21. Тел. 144-04-30


"Пахта банк"

## Азиз ҳамюртлар!

**Маблағингизни янада кўпайтиришни истайсизми?**

**Унда "Пахта Банк"га мурожаат қилинг!**

_"Пахта Банк" Сизлар учун янги, янада қулай ва манфаатли бўлган **"Хазина" муддатли омонатини** жорий этди._

_Омонатга маблағлар шу йилнинг 21 ноябридан 31 декабригача қабул қилинади. Сақлаш муддати 6 (олти) ой бўлиб, йиллик 36 фоиз миқдорида ҳар ойда даромад тўланади!_

**Бошланғич бадал миқдори 100 минг сўм!**

**Омонатга қўйган маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш" Фонди томонидан кафолатланган!**

**Банк хизматини танлаганда адашманг!**

Омонатингизни ишончли асраймиз ва кўпайтирамиз!

"Пахта Банк" Фаровонлигингиз калитидир!


| ЦЕМЕНТ (Ахангаран) | УГОЛЬ (бпк) | АРМАТУРА | СУПЕРФОСФАТ | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ |
|---|---|---|---|---|
| 45,0 ▼ - 0,05 | 12,3 ▼ - 1,0 | 442,8 ▲ + 7,0 | 63,6 ▲ + 0,9 | 192,8 ▼ - 0,1 |

Символы цен: ▲+ Увеличилась; ± не изменилась; ▼- Снизилась; +0,0 на сколько сум. Сум/кг. Средневзвешенные цены за неделю для заключения прямых договоров на сайте: UZEX.COM УзРТСБ

